# ПАРТИЯ АХБОРОТИ

## МУНОСИБЛАР ПАРТИЯ САФИГА

**Қамаши районидаги 3-механизациялашган кўчма колонна коммунистлари ёш қурувчи Ж. Жўраевни КПСС сафига қабул қилдилар.** У кандидатлик стажини ўташ даврида меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришди, партиявий топшириқ — агитаторлик ишини муносиб даражада олиб борди.

Калинин номли колхоз механизатори А. Дўсанов, «Марксизм» колхозининг илғор сут соғувчиси О. Холиқбердиева, «Чимқўрғон» совхози ишчиси Н. Товқораева, «Рассвет» чорвачилик комплекси зоотехниги Қ. Бозоров ўртоқлар ҳам Ленин партияси аъзолигига лойиқ деб топилдилар.

**А. БОБОЁРОВ.**

## ЖОНЛИ СЎЗ БИЛАН

**Ғалаба районидаги Ленин номли колхоз партия ташкилоти оммавий-сиёсий ишларни тобора кучайтирмоқда.** 15 сиёсий ахборотчи, 21 агитатор, «Билим» жамиятининг 23 аъзоси совет демократияси, совет турмуш тарзи масалаларига бағишлаб ўтказаётган лекциялар, суҳбатлар меҳнаткашларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Даъваткор сўз усталари Ю. Цой, В. Егоров, С. Кан, Г. Ким каби лектор ва сиёсий ахборотчиларнинг чиқишлари, айниқса, яхши таассурот қолдирди.

**Н. ЎТЕГЕНОВ.**

## ҒАМХЎРЛИККА ЖАВОБАН

**Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ремонт-механика цехида агитатор С. Хабибулиннинг ремонтчилар билан ўтказган суҳбати СССР Олий Советига сайловлар якунига бағишланди.**

— Шаҳримизнинг ўзида ўтган сайловлардан буён қанча-қанча қувончли ўзгаришлар рўй берди, — дейди С. Хабибулин. — Юзлаб оилалар барча қулайликларга эга бўлган янги уйларга кўчиб киришди, янги мактаб, магазинлар, болалар боғчалари ва яслилар қурилди, йўллар асфальтланди.

Суҳбатда қатнашган коммунистик меҳнат зарбдорлари — токарь Е. Фалюшин, меҳнат ветерани, слесарь В. Качанов эса завод касаба союз комитети дам олиш уйлари, пансионатларга бориш учун ажратаётган йўлланмалар кўпаяётгани ҳақида сўз юритиб, оддий ишчи инсон тўғрисида бундай ғамхўрлик фақат совет тузумига хослигини таъкидлашди.

**И. ЗИМИН.**

## ЮКСАК НОМГА ЯРАША

**Жалолқудуқ район партия ташкилотларининг сафи ишлаб чиқариш илғорлари ҳисобига ўсиб бормоқда.** Свердлов номли колхоз пешқадам сут соғувчиси Ш. Исроилова, Димитров номли колхоз аъзоси Г. Ғафурова, «Коммунизм» колхози марказий болалар боғчасининг тарбиячиси М. Соибжоновалар яқинда партия билетларини олдилар. Улар Ленин партияси аъзоси деган юксак номга сазовор бўлиш учун янада зўр ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар.

**М. ХОЛИҚОВ.**

## ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

### ● ОРЖОНИКИДЗЕ

**Шимолий Осетия пойтахтида модали пойабзал фабрикаси ишга туширилди. Унинг маҳсулотлари магазинларга юборила бошланди. Корхонада ўрнатилган машина-ускуналар пойабзал тайёрлаш жараёнини комплекс механизациялашга, ўнлаб фасондаги маҳсулотлар тайёрлаб чиқаришга имкон беради. Шу беш йилликда Шимолий Осетияда кенг истеъмол моллари тайёрлаш икки баравар ортади.**

### ● КИРОВ

**А. В. Луначарский номидаги «Физприбор» заводининг коллективи мактабларни техника жиҳатидан қайта жиҳозлашда актив қатнашмоқда. Бу ерда мактаб устахоналарига аталган турли универсал машина-ускуналарни кўплаб тайёрлаш ўзлаштирилди. Бу корхона цехларида ҳар йили станоклар, қўлланмалар, кўрсатиладиган приборлар ясалмоқда.**

### ● ОКНИЦА (Молдавия ССР)

**Молдавиянинг Окница районидаги кутубхоналар бригада пудратини ўзлаштираётган меҳнат коллективлари учун абонементлар жорий этди. Ташаббускорлар саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш участкаларида, колхоз ва совхозларда, қурилишларда меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларига бағишланган кўчма китоб кўргазмаларини, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувларни ташкил этдилар. Буларнинг ҳаммаси салмоқли натижаларга эришишга ёрдам бермоқда. Чунончи, беш йилликнинг учинчи йилида қишлоқда нарядсиз ишлаётган икки юздан кўпроқ бригада ва звено бутун маҳсулотнинг қарийб ярмини етиштирди. (ТАСС).**

# ФАНИМИЗНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

**1984 йил Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланадиган қутлуғ йилдир. Республикамиз бу ажойиб санани саноат ва қишлоқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантиришда ниҳоятда улкан ютуқлар билан кутиб олмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил этилганлигига қирқ йил тўлганлиги, унинг таркибидаги Ядро физикаси институти ўтган чорак асрдан ортиқроқ вақт мобайнида Ўрта Осиёда атом фани ва техникасининг йирик марказига айланганлиги ҳам бу тарихий 60 йил мобайнида қўлга киритилган ажойиб ютуқларимиздан дейиш мумкин.**

**Машҳур академиклар И. В. Курчатов ва А. П. Александров ташаббуси билан 1956 йилда ташкил этилган бу улкан илмий муассаса ядро физикасининг фундаментал масалалари ҳамда унинг илмий ечимларини халқ хўжалигида, илм-фанда, соғлиқни сақлаш ишларида жорий этиш юзасидан жуда катта илмий-тадқиқот олиб бормоқда. Ядро физикаси, радиацион физика ва радиацион материалшунослик, активацион анализ ва радиохимия институтда олиб борилаётган тадқиқотларнинг асосий йўналишларини ташкил этади.**

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШДА илм-фаннинг роли ҳамда вазифалари КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненконинг кўрсатмаларида, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Халқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорида аниқ-равшан белгилаб берилган. Республикамиз илм аҳли олдидаги вазифалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленуми қарорларида янада конкретлаштириб берилди.

Илм-фан олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ институтимиз маъмурияти, партия комитети ва жамоат ташкилотлари тадқиқотлар самарадорлигини ошириш ҳамда ишлаб чиқаришда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган тадбирларнинг комплекс планини ишлаб чиқди. Бу тадбирлар институтнинг тадқиқот базасини янада мустаҳкамлаш, олим ва илмий ходимлар куч-ғайратини фаннинг фундаментал проблемаларини ҳал этишга қаратиш ҳамда уларнинг натижаларидан атом фани ва техникаси ютуқларини халқ хўжалигида қўлланишнинг конкрет амалий вазифаларини ҳал этишда фойдаланиш сингари ишларни қамраб олади. Айни чоғда илмий-ташкилий тадбирлар, кадрлар тайёрлаш, ходимларнинг меҳнат шароити ва турмушини яхшилаш масалалари ҳам бу тадбирларда ўз аксини топган. Комплекс план янги вазифалар ҳам ҳисобга олинган ҳолда ижодкорлик билан изчил амалга оширилмоқда.

Олдимизда турган вазифаларни ҳал этишда бевосита Ўзбекистондаги, шунингдек Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидаги илмий ва ишлаб чиқариш ташкилотлари билан мулоқот самараси катта бўляпти. Шуниси ҳам борки, институтимиз ташкил топган дастлабки йилларда ходим ва аспирантларимиз атом фани ва техникаси асосларини мамлакатимизнинг етакчи атом марказларида эгаллашган эди. Чунончи, И. В. Курчатов номли Атом энергияси институтида таҳсил кўрган дастлабки ўн ходимимиз ядро реакторини бошқариш илмини эгаллаб қайтган эди. Аспирант ва стажёрларимиз Дубнадаги Ядро тадқиқотлари бирлашган институтида, Москва ва Ленинград, Киев ва Новосибирскдаги илмий марказларда атом ядроси физикаси бўйича таълим олдилар. Уларнинг аксарияти эндиликда фан докторлари ва кандидатлари бўлиб етишди, йирик лаборатория ҳамда етакчи илмий йўналишларга бошчилик қилмоқдалар. Бизда ҳозир 15 фан доктори, шу жумладан республика Фанлар академиясининг учта мухбир аъзоси, 120 дан ортиқ фан кандидати ишламоқда. 11 олимимизга Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати юксак унвони берилган.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг кўпгина илмий марказлари билан ҳамкорликда катта иш олиб борилмоқда. Умуман олганда бизнинг институт Иттифоқимизнинг 100 дан ортиқ илмий муассаса ва ташкилоти билан ҳамкорлик қилмоқда. Бир неча йил муқаддам бизда фан билан халқ хўжалиги ҳамкорлигининг янги формаси юзага келди. Бу бевосита ишлаб чиқариш корхоналаридаги базавий лабораторияларимиздир. Айтайлик, кон-металлургия саноати корхоналарида барпо этилган лабораториялар туфайли руда ҳамда технологик маҳсулотларни анализ қилишнинг замонавий ядро-физика методларини жорий этиш имкони туғилди. Олмалиқ кон-металлургия комбинатидаги лабораторияда «Аргус» ядро реакторини қўлланиш билан активацион анализ комплекси барпо этиш мўлжалланмоқдаки, бу нарса 30 га яқин моддаларни аниқлаш имконини беради. Технологик жараёнлар диагностикасида ишлатилаётган радиоактив индикаторлар базавий лабораториялар томонидан кузатиб борилади. Бу индикаторлар рудадан металлни ажратиб олишнинг энг қулай йўлларини аниқлайди. Ҳозирги кунда бундай лабораториялардан учтаси муваффақиятли ишлаб турибди. Яна янгиларини очиш режамиз бор. Шуни таъкидлаш лозимки, уларнинг моддий-техника ва молиявий таъминоти ҳам институт, ҳам тегишли корхоналар томонидан амалга оширилмоқда.

ИНСТИТУТИМИЗНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИ кенг кўламда тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Бизда ВВР-СМ ядро реактори, ядро зарраччаларини 20 миллионлаб электрон вольтга тенг энергияга айлантиришга қодир У-150-П циклотрони, кобальт-60 изотопи билан ишлайдиган гамма-нурлагичлар, махсус физика ва химия лабораториялари мавжуд. Бизда «Радиопрепарат» корхонаси, тажриба заводи ҳам бўлган радиацион техника бўйича махсус конструкторлик бюроси бўлиб, у хўжалик ҳисобида ишлаб турибди. Бизда ядро физикаси соҳасида кўпгина янги маълумотлар олинди. Атом ядролари тузилиши ва уларнинг хоссалари, шу жумладан атомларнинг қўзғалган ҳолатдаги, магнитланган пайтдаги қуввати ва бу жараённинг қанча вақт кечишига, ядро реакциялари, шу жумладан релятивистик ядроларнинг — юқори энергияли ядроларнинг тафсилотларига оид маълумотлар шулар жумласидандир.

Олимларимиз ярим ўтказгичларда радиацион стимуллашган диффузия ва бошқа хоссаларни биринчи бўлиб аниқладилар, диэлектрик материаллар ва керамикада нурланишнинг таъсири ҳақида маълумотлар олдилар. Хусусан керамика устида олиб борилган тадқиқотлар ноёб изоляторлар яратиш имконини бердики, эндиликда бундай маҳсулотлар мамлакатимиздаги ва социалистик давлатлардаги атом электростанцияларида муваффақият билан ишлатилмоқда. Ядро ва термоядро реакторларида қўлланилаётган материалларнинг ички реактор тадқиқотлари методи ҳам ишлаб чиқилди. Шуни қувонч билан таъкидлаш мумкинки, бизнинг институт моддаларнинг элемент таркибини аниқлашнинг ядро-физик методларини ишлаб чиқиш бўйича мамлакатда етакчи муассаса ҳисобланади. Жумладан юқорида айтилган активацион анализ энг сезгир метод бўлиб, унинг ёрдамида деярли барча кимёвий моддаларни аниқлаш мумкин.

Фундаментал тадқиқотларнинг натижалари амалий ечимларни ривожлантириш учун асос бўлади. Ҳар иккала йўналишдаги тадқиқотлар натижасида бизда ядро физикаси методлари ва радиоизотоп приборлар ишлаб чиқилди. Улар эндиликда кон-металлургия, химия, электрон, енгил саноат, бинокорлик материаллари саноатида, геология ва қишлоқ хўжалигида, соғлиқни сақлашда кенг қўлланилмоқда. Институт ечимларининг амалиётга жорий этилиши катта иқтисодий самара бераётир. Чунончи, ўтган йили халқ хўжалигининг турли тармоқларига жорий этилган 34 илмий ечим 23 миллион сўм иқтисодий самара берди. Умуман кейинги олти йилда шу йўл билан 80 миллион сўм иқтисодий самара олинганлигини таъкидлаш мумкин.



Бизнинг институт ўнлаб номда радиоизотоп ишлаб чиқармоқда ва уларни мамлакатимиздаги, шунингдек социалистик давлатлардаги юзлаб ташкилотларга етказиб бермоқда. Бу изотоплардан фойдаланиш халқ хўжалигида йилига миллион-миллион сўм иқтисодий самара беришидан ташқари, уларнинг пул билан ўлчаб бўлмайдиган бениҳоя катта ижтимоий аҳамияти ҳам бор. Бу гап хусусан медицина ва биологияда қўлланилаётган изотопларга таалуқлидир. Радиоактив изотоплар ва улар билан нишонланган биологик актив кимёвий бирикмалар молекулаларда жуда ҳам нозик тадқиқотлар олиб бориш методларини ривожлантирдики, бу ҳол молекуляр биология ҳамда ген инженерлиги янада равнақ топишига имкон яратди.

Шу маънода Фосфор-32 радиоактив изотопининг биринчи бор яратилиши ва кенг кўламда ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши олим ва инженерларимиз, ишчиларнинг катта ютуғи дейиш мумкин. Ана шу иш туфайли мамлакатимизда медицина, қишлоқ хўжалиги, микробиология саноати учун зарур йўналишга пухта замин яратилди. Қолаверса, капиталистик мамлакатлардан бу препаратни сотиб олишдан бутунлай халос бўлдик: ғарблик сиёсатдонлар мамлакатимизда фан-техника тараққиётини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқчи бўлиб ўйлаб топган найранглари чиппакка чиқди.

Партия ва ҳукуматимизнинг медицина хизматини яхшилаш хусусидаги қарорига жавобан айрим касалликлар диагностикасида қўлланиладиган препаратлар яратдик. Диабет диагностикасида инсулин миқдорини аниқлаш учун РИА-инсулин набори яратилиб, ишлаб чиқариш учун тақдим этилди. Сариқ касаллиги, миокард инфаркти ва бошқа хасталикларни аниқлашда иш берадиган бир қанча препаратлар яратиш устидаги изланишлар ҳам охирлаб қолди. Маълумки, касалликни барвақт ва тўғри аниқлаш самарали муолажанинг негизидир. Биз чиқараётган иод ва олтин радиоактив изотоплар диагностикада кўпдан бери ишлатилмоқда. Лекин технеция изотопига тенг келадигани кам. У ниҳоятда катта имкониятларга эга бўлиб, технеция олишнинг бир неча методи мавжуд. Институтимиз олимлари мавжуд ядро физикаси қурилмалари учун технеция олишнинг энг муқобил методларини ишлаб чиқмоқдалар.

Бизда тажриба заводи ҳам бўлган радиацион техника бўйича махсус конструкторлик бюроси ташкил этилганига бир неча йил бўлди. Бу ерда халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатиш учун радиоизотоп қурилмалари яратиш ва ишлаб чиқариш суръатлари йил сайин ортиб бормоқда. Чиқараётган приборларимиз кўпгина саноат корхоналарида ишлатилмоқда. Химия, кон-металлургия, электрон саноат учун янги приборлар ишлаб чиқаришга киришиш режамиз бор. Мамлакатимизнинг «Навоиазот» сингари етакчи корхонасида ҳам бизнинг приборлар ишлатилмоқда. Череповецк металлургия комбинатидаги жаҳонда энг йирик домна ҳам институтимиз конструкторлик бюроси тамғаси туширилган приборлар билан жиҳозланади.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ йирик илмий муассаса — Ядро физикаси институтининг ютуқлари Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг илм-фанни ва фан-техника тараққиётини ривожлантириш тўғрисидаги бемисл ғамхўрлиги самарасидир. Шуниси ҳам борки, кейинги йилларда илм-фанга эътибор жуда кучайди. Бунга жавобан барча олимларимизнинг куч-ғайрати фундаментал ва амалий проблемаларни ҳал қилишга, уларнинг натижаларини кенг жорий этишга, комплекс тадбирлар планидаги барча ишларни амалга оширишга, йирик саноат корхоналарида институтнинг базавий лабораторияларини барпо этишга тағин ҳам кўпроқ қаратилмоқда. Институт тадқиқотларининг йўналишлари бўйича илмий-техникавий ва методик кенгашлар барпо этилдики, бу кенгашлар ҳар бир йўналишнинг конкрет вазифаларини ҳал этиб бормоқда. Йил якунига бағишланган илмий сессияларда эса ҳар бир мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари ҳамда ҳар бир бўлинма фаолияти ижодий таҳлил ва ўз-ўзини танқид муҳитида атрофлича баҳоланади. Ижодий муҳитнинг қарор топиши эса илмий кадрлар сони жадал ортиб боришида намоён бўлмоқда. Ҳар йили 20 га яқин киши кандидатлик, 2-3 киши докторлик диссертациясини ҳимоя қилмоқда. Илмий кадрлар тайёрлашда муайян ихтисосликлар бўйича фан кандидатлари илмий даражасини бериш бўйича ихтисослашган илмий Советлар катта роль ўйнамоқда. Ҳимоя қилишдан аввал диссертация семинарларда атрофлича муҳокама этилади, махсус тузилган эксперт комиссияси томонидан қараб чиқилади.

Илмий-техника ахбороти имкониятлари кенгайиши илмий ишлар самарадорлиги оқибатидир. Ўтган йили бизнинг институт атом информацияси халқаро системасининг республика маркази этиб белгиланди. Институтимиз электрон-ҳисоблаш машиналарида атом фани ва техникаси соҳасидаги ишлар информациялари рефератор йўсинида магнит лентасига ёзиб жамлаб борилади. Бу информациялардан эндиликда республикамиз олимлари ўз ишларида бемалол фойдалана оладилар. Институтимиз ўз ютуқларини кенг кўламда ёритиб боришни ҳам йўлга қўйган. СССР ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияларининг нашрларида, халқаро илмий журналларда мақолалар билан қатнашиш, монографиялар чоп этиш бунга мисол бўла олади. Кўргазмаларда фаол қатнашмоқдамиз. 1983 йилда институтимиз экспонатлари «Фан-83» халқаро кўргазмасида намойиш этилди ва диплом билан тақдирланди. Институтимиз олимлари кўпгина Бутуниттифоқ ва халқаро илмий анжуманларда, конференция ва мактаб машғулотларида доклад билан қатнашадилар, шунингдек, Тошкентда ўтказиладиган илмий кенгашларга ташкилотчилик қиладилар.

Илмий ходим ва ишчиларнинг сиёсий ва иқтисодий таълимига бизда катта эътибор берилмоқда. Умуминститут ва лабораториялар бўйича философиядан методологик семинарлар ўтказилмоқда. Уларнинг тематикаси олиб борилаётган тадқиқотларнинг конкрет йўналишлари билан ҳамоҳанг бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Айни чоғда институт илм аҳлининг турмуши, уларни уй-жой билан таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилинмоқда. Замонавий уйлар, умумтаълим ва музика мактаби, кинотеатр, маданият уйи, касалхона, маиший хизмат кўрсатиш уйи, турли магазинлари бўлган Улуғбек посёлкаси Ядро физикаси институти олимлари ва илмий ходимларининг ажойиб шаҳарчаси бўлиб, ундаги қулайликлар фаннинг бу муҳим соҳасида янада самаралироқ ишлаш имконини беради.

Ўтган йилни институтимиз коллективи яхши якунлади. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленумида эришилган суръатни, ишдаги маром ва ижобий кайфиятни қўлдан бермаслик, ижобий ўзгаришларни янада активроқ ривожлантириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Институтимиз коллективи бу қимматли кўрсатмага амал қилиб, меҳнат унумдорлигини планДан ташқари бир процентга ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процентга камайтириш мажбуриятини олди.

Институтимиз коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган 1984 йилни ажойиб ютуқлар билан нишонлаш мақсадида бутун куч-ғайратини сарфламоқда.

**П. ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**республика Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти.**

## АТОМ ИНСОН ХИЗМАТИДА

## МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

### БРИГАДИРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор коллективларидан коммунист Борис Алексеевич Шалимов бошлиқ бригада биринчи квартал планини муваффақиятли бажарди. Бригадирнинг ўзи эса ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.

Борис Алексеевич бошқараётган бригада ўз участкасида қўл меҳнатини камайтириш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтиришда ҳам катта иш қилди. Шахсан унинг иштироки билан тайёр маҳсулотлар омбори тўла механизациялаштирилди.

Б. Шалимов ёшларнинг энг яхши мураббийсидир. У шогирдларига қўшимча касбни ўзлаштириб олишларида, уларнинг ўз маҳоратларини оширишларида яқиндан ёрдам беради. Шунинг учун ҳам бирлашмада у энг яхши мураббий унвонини ҳам олган.

### МАҲСУЛОТ КЎПАЙМОҚДА

Шўрчи аралаш озуқа заводининг қуввати икки баравар кўпайди. Бу паррандачиларнинг эҳтиёжини тўла қоплаш учун катта ёрдам бераётир.

Бу ерда айниқса паррандалар учун кўплаб озуқа ишлаб чиқариладиган бўлди. Натижада парранда учун бериладиган озуқанинг сифати ҳам анча оширилди. Бу ишни корхона мутахассислари олимлар билан ҳамкорликда амалга оширдилар. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг самарадорлиги 8—10 процент кўпайди.

### РИШТОН КОМПЛЕКСИ

Риштонда Ўрта Осиё матлубот жамиятлари системасида биринчи марта озиқ-овқат комбинати қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу ерда бир кеча-кундузда уч тоннагача колбаса ишлаб чиқарадиган, балиқ маҳсулотлари тайёрланадиган, турли ширинликлар ишлаб чиқариладиган цехлар ишламоқда. Шунингдек, холодильник установкалари, лабораториялар мавжуд.

Бундай комплекслар Тошкент ва Сурхондарё областларида ҳам бунёд этилади.



**Шароф Рашидов номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати филиаллари, цехлари ва бригадаларида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа авж олиб кетди. Суратда: корхона 1-филиалининг илғор ўровчиси Моҳира Умарова. У йиллик топшириғини октябрь ойига қадар бажариш мажбуриятини олган.**

**В. Сироткин** фотоси.

## ГРАФИКДАН ЎЗИБ

«Андижанирстрой» трестига қарашли Хўжаобод механизациялашган кўчма колоннасининг экскаваторчиси Абдунасиб Бозоров тўрт ойлик планини муддатидан олдин бажарди. У район хўжаликларида ариқ-зовурларни тозалашда ишлаб, йил бошидан буён 250 минг кубометр тупроқ қазиш ишларини бажарди. Бу — трестдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. А. Бозоров ўз тажрибасини ёш ҳамкасблари билан бажонидил баҳам кўради. Унинг шогирдлари ҳам кунлик нормани бир ярим-икки баравар бажариб, графикдан ўзиб меҳнат қилмоқдалар. (ЎзТАГ).

# ИСТИҚБОЛНИНГ ЁРҚИН РЕЖАЛАРИ

## ХАТЛАРГА ОБЗОР

Фан ва техниканинг жадал ривожланиб бораётганлиги, одам онгига таъсир этувчи турли ахборотларнинг мисли кўрилмаган даражада кўпайганлиги бугунги кун кишиларининг савиялари яқин ўтмишдошларидан бирмунча фарқланишига олиб келди. Жонажон партиямизнинг ривожланган социализмни планли равишда, ҳар тарафлама такомиллаштиришга, унинг инсонпарварлик моҳиятини тўлиқроқ намоён этишга, инсоннинг ижодий активлигини янада кучайтиришга қаратилган йўли совет мактаби олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўймоқда. Бу вазифалар КПСС Марказий Комитетининг мактаб ислоҳоти Лойиҳасида тўлалигича ўз ифодасини топган. Таълим ва тарбия ишининг комплекс мазмуни ва методларига салмоқли ўзгартишлар киритадиган ушбу Лойиҳани бутун совет халқи қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам келажак манфаатини кўзлаб ўз вақтида кўрилган жуда муҳим тадбир сифатида кутиб олдилар. Бир ярим ойдан ошдики, истиқболнинг ёрқин режалари ўз аксини топган бу муҳим ҳужжат кенг муҳокама этилмоқда. Лойиҳа юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилган хатлар редакциямизга бетўхтов кўплаб келиб турибди.

«Капиталистик давлатларда қуролланиш пойгасига зўр бериш оқибатида минг-минглаб ўқитувчилар ишсиз, қанчадан қанча ўқувчи ва студентлар билим олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмоқда, — деб ёзади Ангор районидаги 3-ўрта мактаб директори Ғ. Ёқубов. — Бунга қарши ўлароқ бизнинг Ватанимизда, Советлар мамлакатида ўқитувчи-мураббийларга нисбатан бекиёс ҳурмат-эътибор, ўқувчи ёшларга нисбатан эса юксак даражада ғамхўрлик кўрсатилиши партиямиз сиёсатининг чинакам инсонпарварлик ғоялари билан суғорилганлиги белгисидир».

Лойиҳада ўн бир йиллик таълимни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Ўқиш-ўқитишнинг пойдевори эса бошланғич таълимдир. Хатларнинг аксарияти уни янада такомиллаштиришга бағишланган. Баҳористон районидан Д. Бекмуродов, Жиззахдаги 11-ўрта мактаб бошланғич синфлар илмий мудири О. Қобилов, Қўқондаги 25-ўрта мактаб директорининг ўринбосари Ғ. Тошпўлатов ва бошқалар бу борада ўз таклиф-мулоҳазаларини ёзиб юборишган. Боёвут районидан пенсионер ўқитувчи А. Қорабеков уларнинг фикрига қўшилган ҳолда, бошланғич синфларда расм, ашула, меҳнат ва физкультура дарсларини мутахассис ўқитувчилар ўтиши керак деб ҳисоблайди. Ленин йўли районидаги 8-ўрта мактабнинг методист ўқитувчиси Ҳ. Эргашев бошланғич синфда ўзбек тили дарсига қўшилиб кетган ҳуснихат болаларнинг каллиграфия билимига яхши таъсир этмади деб ҳисоблайди. У янги ўқув планларида ҳуснихатга алоҳида соат ажратилишини таклиф қилади.

Мактаб ислоҳоти режаларида ёшларнинг меҳнат таълимига жуда катта эътибор берилган. Хат муаллифлари бу тадбирларни маъқуллаш билан бирга таклиф ва мулоҳазалар билдирмоқдалар. «Меҳнат дарси учун шаҳар ва қишлоқ шароити бир хил эмас, — деб ёзади Манғит шаҳридаги Стрельков номли ўрта мактаб ўқитувчиси И. Нуримбетов. — Шундай экан, ўқув программаларини тузишда бунга алоҳида эътибор бериш керак». Ўзбекистон район халқ маорифи бўлимининг инспектори И. Каримов бу фикрга қарши чиқади. «Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни бартараф этиш учун кураш бораётган ҳозирги пайтда, — деб ёзади у, — бундай қилиш шартмикан?! Ахир уларда бажариладиган иш характери жиҳатидангина фарқ бор, холос. Бундан ташқари кўпчилик қишлоқ мактаблари шаҳар мактабларидан қолишмайди». У меҳнат дарсини 4—8 (кейинчалик 5—9) синфларда дидактик принципларга қатъий амал қилган ҳолда маълум турдаги ишларни ўргатиш машғулотлари йўсинида ташкил этиш таклифини ўртага қўяди.

Сирдарёлик доцент В. Хўжабеков умумий таълим мактабларида ерларни суғориш ва мелиорациялаш курси, тошкентлик Н. Усмонов эса юқори синфларда факультатив дарс сифатида иқтисодий билим асослари курси ўқитишни таклиф этади. Шаҳрисабз районидаги 259-ўрта ҳунар-техника билим юрти илмий бўлим мудири, методист ўқитувчи А. Бобомуродов умумтаълим мактабларида ҳам, ҳунар мактабларида ҳам тарбия самарадорлигини янада ошириш учун ахлоқ дарси жорий этиш, шу мақсадда махсус дарслик яратишни таклиф қилади. У яна умумий таълим мактабларида ҳам, ўрта ҳунар-техника билим юртларида ҳам фан кабинетлари системаси муҳим роль ўйнашини эътиборга олиб, энг етук ўқитувчилар тажрибаси асосида ягона типдаги комплект кабинетлар ташкил этиш таклифини ўртага ташлайди.

Кейинги йилларда миллатлараро алоқа воситаси деб ихтиёрий қабул қилинган рус тилини ўрганишга бизда эътибор жуда кучайди. Чунки, рус тилини, улуғ Ленин тилини ўрганиш ҳаётимизнинг асосий негизи, ҳар бир билимли, маданиятли кишининг шарафли орзуси бўлиб қолди. Хўжаободлик С. Йўлдошев, қоракўллик Ш. Шерриев, бухоролик С. Ғиёсов ва бошқалар Лойиҳа «Рус тилида эркин сўзлаша билиш ва ўз фикрини ёзма баён қила олиш ўрта ўқув юртларини тамомлаётган ёшлар учун норма бўлиб қолиши зарур» деб тўлдирилишини таклиф қиладилар.

Хатларда ўқитувчи обрў-эътиборини тағин ҳам ошириш, халқ маорифидаги илғор иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш, ўқитувчиларнинг ҳафталик иш соатини тартибга солиш, куни узайтирилган группа ва мактаблар ишини яхшилаш юзасидан Коғон район партия комитети инструктори Қ. Бақоев, Чироқчи районидаги 1-ўрта мактаб директори ўринбосари М. Фармонов, Нурота район халқ маорифи бўлими инспектори М. Раҳматов, Учқўрғон шаҳридан пенсионер педагог Т. Қўчқоров ва бошқа кўплаб ўртоқлар қимматли таклифларни ёзиб юборишган. Тошкентлик С. Сайдуллаев билан бухоролик А. Бозоров учувчи, космонавтлар каби ўқитувчилар учун ҳам махсус уст-бош жорий этиш ва уларни бу хил форма билан бепул таъминлаш таклифини ўртага қўядилар.

Хуллас, редакцияга келаётган хатларда Лойиҳа юзасидан конкрет таклиф ва мулоҳазалар жуда кўп. Аммо, том маънода улардан битта: ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат ёш йигит-қизнинг гражданлик етуклиги гувоҳномаси бўлсин деган фикрни англаш мумкин. Негаки, бугун мактаб партасида ўтирган ўғил-қизлар ҳам, эрта-индин мактаб остонасига қадам қўядиганлар ҳам 90-йилларга бориб халқ хўжалигини бошқарадиган ишчи, механизатор ёки мутахассис, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизнинг чинакам хўжайинлари бўлиб етишишади.

**Р. ҚОСИМОВ.**

